Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 7 октябрь, № 198 (6633) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

АЛЕКСАНДР ЛУКАШЕНКО ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов буюк давлат арбоби, улуғ сиёсатчи ва комил инсон сифатида халқимиз орасида, бутун дунёда алоҳида ҳурмат қозонган эди. Юртбошимиз мангу қўним топган маскан бугун барча учун муқаддас зиёратгоҳга айланди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида 6 октябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Александр Лукашенко ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шерик сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида 2008 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва унинг ижросига қаратилган дастур изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкога миннатдорлик билдирди. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари бундан кейин ҳам изчил давом этишини, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бутун фаолиятини ўз халқи, Ватани равнақига бағишлагани, бугун Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган, тинч ва барқарор давлатга айланганини қайд этди. Ислом Каримов вафотидан кейинги синовли кунларда Ўзбекистон халқи донолигини, юксак маданиятини ва ҳамжиҳатлигини яна бир бор намоён этганини, шундай буюк заминга ташриф буюрганидан мамнунлигини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 71-сессиясида мажлис иштирокчилари Ислом Каримов хотирасини ёдга олиб, ҳурмат бажо келтиргани ҳам Президентимизнинг халқаро обрў-эътиборини яққол тасдиқлайди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

6 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Депутатлар фракциялар мажлисларида, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратдилар.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ — 2016

Марказий сайлов комиссиясида учрашув

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Жон Макгрегор билан учрашув бўлиб ўтди.

Комиссия Раиси М. Абдусаломов Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Қайд этилганидек, Марказий сайлов комиссияси ва ЕХҲТнинг ҳамкорлиги самарали ривожланиб бормоқда. “Ўзбекистон Республикаси сайлов амалиётини такомиллаштиришга кўмаклашиш” қўшма лойиҳаси доирасида мамлакатимизда сайлов амалиётини янада демократлаштиришнинг турли масалаларига бағишланган халқаро анжуманлар, семинарлар ташкил қилинди.

(Давоми 3-бетда).

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ҳар бир миллат ўз истиқболини камолга етаётган ёшлари тимсолида кўради. Шу боис мамлакатимизда истиқлол йилларида навқирон авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш, пировардида баркамол инсон сифатида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги

фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан етук бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга

Бу борада давлат идоралари билан бирга, жамоат ташкилотлари, хусусан, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий тузилмалари, юртимизда мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Ёшларимиз маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозиргидек мураккаб шароитда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт бўлган хуружлар, уларнинг онги ҳамда қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани ҳар биримиздан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этмоқда.

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари, айниқса, ёшлар таълим-тарбиясига масъул вазирлик, идора ҳамда ташкилотлар, ота-оналар, маҳаллалар фаоллари, қўни-қўшни, таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийлари ҳамда жамоатчилик зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, эртамиз эгаларини юртпарвар, инсонпарвар, юксак маънавиятли, улуғ аждодларимизга муносиб ворислар қилиб вояга етказиш бугунги кунда муҳимдир.

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Бинобарин, мазкур ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида ташкил этилган “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги жамоат кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар халқ таълими бошқармалари, шунингдек, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари, умумтаълим мактаблари ҳузуридаги ҳудудий жамоат кенгашлари изчил фаолият юритаяпти.

(Давоми 4-бетда).

“БИЗГА ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛДИРГАНИНГИЗДАН УМРБОД МИННАТДОРМИЗ”

Халқимизнинг улуғ фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳар бир юртдошимизнинг қалбидан чуқур жой олган, каттаю кичикнинг бирдай қадрли ва азиз инсони эди. Йўлбошчимизнинг она Ватанимизни мустақил тараққиёт сари бошлаш, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, нуфузига эга давлатлар қаторига қўшиш, халқимиз тинчлиги, фаровонлигини таъминлаш борасидаги хизматлари ҳар биримиз учун беқиёс ибрат ва юксак муҳаббат ифодаси бўлиб қолади.

Истиқлолимиз Меъмори элим деб, юртим деб ёниб яшади. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси динидан, миллатидан қатъи назар, бахтли ва фаровон турмуш кечириши учун озод ва обод Ватанни бунёд этди. Унинг хотираси қалбимизда абадий яшайди, азиз сиймоси барчамизни ҳамжиҳатлик, бирдамлик билан, қўлни қўлга бериб истиқлолимизни янада мустаҳкамлашга ундайди.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририятига буюк давлат ва сиёсат арбобини ёд этиб, чуқур ҳурмат ва эҳтиром акс этган юзлаб хатлар келмоқда. Улар билан танишар эканмиз, юртдошларимизнинг қалб ҳароратига йўғрилган сўзларидан Биринчи Президентимизга бўлган самимий ва чексиз меҳр-муҳаббатини англаймиз.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманидан Ширин Мамбетова шундай ёзади: **“Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз чорак аср мобайнида бемисл ўзгаришлар, янгиланишларга юз тутди. Ана шу йигирма беш йил зарҳал ҳарфлар билан битгулик саҳифаларга бой бўлди. Халқимиз жадал тараққиёт йўлига чиқиб олди. У кишининг қорақалпоғистонликлар учун қилган яхшиликларини санаб адоғига етиш мушкул. Биргина “Аср мўъжизаси” деб таърифласа арзийдиган Устюртда қад ростлаган газкимё мажмуасини олайлик. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу саҳро бугун боғу бўстонга айланди. Қисқача айтганда, чўл бағрида дилбар шаҳарча пайдо бўлди. Биринчи Президентимизни ғуруримиз тимсоли, десак, муболаға эмас. Бундан буён ҳам эзгу даъватлари, бошлаб берган ташаббуслари бизни янги марралар сари доимо чорлаб туради”.**

(Давоми 3-бетда).

Сайлов кампанияси мониторинги

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мониторингини юритади.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолияти кўп қиррали бўлиб, фуқаролик жамиятининг барча жабҳасини қамраб олади ва унинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Бугунги кунда институт жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Катта салоҳиятга эга бўлган институт сайлов кампанияси демократик тамойиллар ҳамда халқаро меъёрларга мувофиқ ҳолда ўтказишга кўмак бераяпти.

Қайд этиш жоизки, институт ўз фаолияти давомида, яъни 2007 ва 2015 йилларда Президент сайловлари, 2009 ва 2014 йилларда эса парламент сайловларида катта тажрибага эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ

Тадбиркорлик равнақи учун беқиёс имкониятлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йилнинг 5 октябрида имзоланган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Зеро, ушбу ҳужжат юртимизда инвестициявий жозибадорликни ошириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан бошлаб берилган кенг қамровли ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қодиржон РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳридаги “Hassons” МЧЖ раҳбари:

— Матбуотда эълон қилинган Фармон тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтаради, десак, муболаға бўлмайди. Чунки унда кичик бизнес субъектларига янада кенгроқ эркинлик бериш, улар фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш бўйича аниқ мақсадли вазифалар ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда).

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, хусусан, жамият ҳамда давлат бошқаруви ишларида фаол иштирок этиши демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мазкур фаолиятнинг самарадорлиги демократик сайловларга бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ривожланишининг асосий босқичлари

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлат бошқарувидаги асосий институтлар — Президентлик, Олий Мажлис ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини демократик сайловлар асосида шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Ўтган даврда эркин ва адолатли сайловларнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳамда янада ривожлантириш борасида катта амалий тажриба тўпланди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунлар каби сайлов жараёнларини ҳуқуқий тартибга солувчи ўнга яқин ҳужжат қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Депутатлар мазкур ҳужжатни, нормаларини ва унда қўйилган вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, ушбу фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини ва унинг дахлсизлигини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

Парламент аъзолари ўз ишларини **«Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасида аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий хизматларни кўрсатиш борасидаги умумий талаблар ва асосий йўналишларни аниқлаш, ушбу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёни устидан мониторинг ва назорат қилишни кучайтириш юзасидан изчил фаолият олиб борилаётганлиги қайд этилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида қўмита томонидан сиёсий партиялар фракцияларининг, шунингдек, айрим депутатларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларига катта эътибор қаратилди.

Депутатлар қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш жараёнида ушбу қонуннинг қабул қилиниши, унда ижтимоий хизматлар мониторинги ва уларни баҳолаш механизмларининг белгиланиши ижтимоий ҳимоя тизими жамоат назорати учун очиқ бўлишига имкон беришини, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига хизмат қилишини, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишини таъкидлаб ўтдилар.

Батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу қонунни қабул қилдилар.

Сўнгра депутатлар муҳокамасига **«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритишни** назарда тутувчи қонун лойиҳаси тақдим этилди.

1992 йилда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни касаба уюшмалари фаолиятини янада ривожлантиришга, ходимларнинг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъсирчан ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашганлиги таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари қайд этиб ўтдиларки, таклиф этаётган ўзгартишлар касаба уюшмаларининг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги эркинлиги кафолати бўлиб хизмат қилади, касаба уюшмаларининг янада ривожланиши учун зарур ҳуқуқий базани яратиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш имконини беради.

Муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу қонунни қабул қилдилар.

Депутатлар, шунингдек, жиноятчилик ҳолатининг, ундаги ўзгаришларнинг ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда фирибгарлик ва транспорт воситасини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарликни янада такомиллаштиришга қаратилган **«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини** кўриб чиқдилар.

Қонунчилик палатаси депутатларининг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришга, жазоларнинг адолатлилиги принципини таъминлашга, шунингдек, мазкур соҳаларда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Мажлис давомида парламент қуйи палатасининг аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

Тадбиркорлик равнақи учун беқиёс имкониятлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, Фармонга биноан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча тури бекор қилинадиган бўлди. Бу биз, соҳа вакиллари учун жуда катта ғамхўрлик, эмин-эркин фаолият кўрсатишимизнинг мустаҳкам кафолатидир.

Юртимизда бизнес юритиш учун яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни йил сайин такомиллаштириб бораяпмиз. Ишни бошлаган дастлабки пайтда музқаймоқ ишлаб чиқарган бўлсак, бугунги кунга келиб, 25 кишилик жамоамиз томонидан 15 хилдаги, ойига 100 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Унинг бир қисми қўшни давлатларга экспорт ҳам қилинаётир.

Фармонни қайта-қайта ўқиб, у биз, ишбилармонларнинг айни дилидаги гап бўлибди, деган фикрга келдим. Унга асосан амалиётга жорий қилинадиган имтиёз ва енгилликлар фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги йўналишларни ўзлаштириш, иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга руҳлантирмоқда.

Алишер МАШАРИПОВ,
Оҳангарон туманидаги “Оҳангарон Рустам агро” МЧЖ раҳбари:

— Мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити туфайли нафақат шаҳарлар, балки қишлоқ жойларга ҳам саноат жадал кириб бораётир. Бу орқали, аввало, аҳолини иш билан таъминлаш вазифаси ижобий ҳал этилаяпти, қолаверса, ички бозорларимиз импорт ўрнини босувчи ва рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдирилиб, юртимиз экспорт салоҳияти юксалмоқда.

Куни кеча эълон қилинган янги Фармон биз, ишбилармонларга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир намунаси бўлди.

Тадбиркор сифатида фаолият бошлаганимизга 10 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида анча тажриба орттирдик, бозор муносабатларини ўзлаштирдик.

Албатта, ишни пухта йўлга қўйиш осон эмас. Рақобатдош маҳсулот тайёрлаш ва уни харидорга манзур қилиш учун замонавий технология, сифатли хом ашё, ишончли шерик ва етарли сармоя керак. Устига-устак, ҳозир кўплаб мамлакатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан тўла қутула олмай турган мураккаб бир вазиятда тадбиркорнинг унишидан “синиши” осонроқ. Лекин биз шуни фахр билан айтамизки, давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани барқарор фаолият кўрсатишимизга хизмат қилаётир. Мисол учун, ваколатли идораларнинг асоссиз “текшир-текшир”ларига чек қўйилгани бор эътиборимизни ишимизга қаратиб, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ этишимизда пухта пойдевор бўлди.

Юқоридаги Фармон яна янги имкониятлар эшигини очади. Уни қайта-қайта синчиклаб ўқиш мобайнида тадбиркор сифатида ўзимни ўйлантириб келаётган масалаларга ечим топдим. Бу ҳужжатда илгари кўрилмаган жуда кўп чора-тадбирлар белгиланганки, уларнинг ҳаммаси хусусий секторнинг жадал тараққиётига хизмат қилади.

Шерзод РАҲМОНОВ,
тадбиркор (Пешку тумани):

— “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон бизнес вакилларининг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканини яна бир карра кўрсатди. Хусусан, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувларни кескин қисқартириш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик каби масалалар давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланганлиги кишини беҳад қувонтиради. Давлатимизнинг мана шундай ғамхўрлиги туфайли фаолиятимизни эмин-эркин олиб борамиз. Ҳукуматимиз томонидан бизнес муҳитини янада яхшилашга қаратилган Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланганини айтмайсизми?! Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорликнинг янада равнақ топишига, хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортишига, уларда биз билан ўзаро ҳамкорлик қилиш хоҳиш-истагининг кучайишига олиб келади, албатта.

Ҳозир тадбиркорлик билан оилавий шуғулланаяпмиз. Паррандачиликка ихтисослаштирилган фермер ва ёрдамчи хўжаликлар, шунингдек, фермалар учун зарур замонавий ускуналар тайёрлаб бермоқдамиз. Маҳсулотларимизга харидорлар кўп.

Қисқача айтганда, мазкур Фармон иқтисодиётимизни мустаҳкамлайди, мулк эгалари сафини кенгайтиради, минглаб хонадонларга файзу барака олиб киради. Халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада юксалтиради!

«Халқ сўзи» мухбирлари ёзиб олди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ривожланишининг асосий босқичлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур қонунларда сайлов тизими, унинг моҳияти, сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқи, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, сайловлардаги очиқлик ҳамда ошкоралик, сайлов комиссияларининг ҳуқуқ ва ваколатлари, овоз бериш тартиби ҳамда унинг натижаларини аниқлаш, фуқароларнинг сайловлардаги иштироки, сайлов ҳуқуқининг кафолатлари, сайловларни молиялаштириш каби масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи қоидалар белгиланди.

Миллий сайлов қонунчилигимиз юртимизда ўтказилган ўнга яқин сайловларда тўпланган бой амалий тажриба асосида, халқаро сайлов стандартлари, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалиб бориши, амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга мос тарзда тадрижий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистонда миллий сайлов қонунчилиги шаклланиши ҳамда тизимли ривожланишини қуйидаги асосий босқичларда кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич 1991 — 2000 йилларни ўз ичига олиб, миллий сайлов қонунчилигининг илк шаклланиш даври ҳисобланади. Мамлакатимизда 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши демократик сайлов қонунчилигини шакллантириш борасида дастлабки қадам бўлди. Мазкур Қонун давлат мустақиллигининг илк кунларида қабул қилинган, Ўзбекистоннинг давлат бошқарувини демократик асосда ташкил этишини англатадиган муҳим ҳуқуқий асос эди.

Бу босқичда миллий давлатчилигимизнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати — Конституция қабул қилиниши ва унда сайлов тизимига алоҳида боб ажратилиши юртимизда янги сайлов қонунчилигининг шаклланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлди. Ушбу ҳуқуқий заминга таянган ҳолда сайлов қонунчилиги халқаро демократик мезонларга ҳамоҳанг тарзда ривожланиб, такомиллашиб борди.

Миллий сайлов қонунчилигининг шаклланишида 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу Қонун мамлакатда ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, демократик ислоҳотларнинг дастлабки босқичида умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари, шунингдек, муқобиллик, кўппартиявийлик асосида сайловларни ташкил этишга оид демократик ҳуқуқий қоида ҳамда нормаларни ўзида акс эттирди.

1994 йил 5 майда яна бир муҳим ҳужжат — “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун сайловчиларнинг фаол сайлов ҳуқуқи ва ўз хоҳиш иродасини эркин ифодалаш механизмини амалда мустаҳкамлаб берди.

Сайлов қонунчилиги шаклланишининг дастлабки босқичи сайлов тизимининг конституциявий асослари яратилгани, Президентлик, Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари каби вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг ҳуқуқий пойдевори шакллантирилгани билан аҳамиятлидир. Айни вақтда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари тамойиллари асосида кафолатланди, сайловларни ташкил этишга ваколатли органнинг ҳуқуқий мақоми алоҳида қонун орқали тартибга солинди.

Иккинчи босқич миллий сайлов қонунчилигини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлаш, миллий парламентаризм тараққиёти ҳамда кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш асосида янада демократлаштириш даври бўлиб, бу 2001 — 2010 йилларни ўз ичига олади.

Мазкур босқичнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги маърузасида билдирилган таклифлар асосида қабул қилинган “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонун 2004 йилги парламент сайловларида муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтагани ҳолда, сиёсий партиялар иштироки ва ролини оширди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимиз сайлов тизими ривожида 2008 йилда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар муҳим босқич бўлди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига сайлов жараёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган бир қатор нормалар киритилди. Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди. Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда қатнашиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг “ваколатли вакили” деган янги институт киритилди. Шунингдек, аввалари содир этган ҳар қандай жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас эди. Сўнгги ўзгартишларга мувофиқ, фақат содир этган оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролардагина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмаслиги белгиланди.

Бу каби ислоҳотлар миллий сайлов тизимининг изчил ҳамда босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэътироф этилган халқаро принцип ҳамда нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди.

Учинчи босқич ўз мазмунмоҳиятига кўра, юртимиздаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида фуқаролар сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга қаратилган бўлиб, 2011 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврдаги ислоҳотларнинг ғоявий асосида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ташкил этади. Мазкур Концепцияда баён қилинган таклифлар асосида 2012 йил 20 декабрда сайлов қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид қонун қабул қилинди.

Мазкур янги Қонун билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга янги модда ҳамда қўшимчалар киритилди. Уларга сайловолди ташвиқотининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган, уни амалга ошириш шакллари, усуллари ва турларини аниқ кўрсатадиган, овоз бериш кунидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотини амалга ошириш мумкин эмаслигини акс эттирган, муддатидан аввал овоз бериш тартибини аниқлаштирадиган, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижалари, сайлов натижалари прогнозлари ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилишни тақиқлайдиган, сайловларнинг очиқ, ошкора ҳамда шаффофлигини таъминлашни янада кучайтирадиган янги нормалар киритилди.

2014 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига қўшимча сифатида киритилган Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақомини беришга оид янги қоидалар, 2014 йил 4 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Бюджет кодексига сайловларга оид янги нормаларнинг киритилганини ҳам қайд этиш зарур.

Мазкур босқичдаги сўнгги янгиликлар сифатида 2015 йил 29 декабрда имзоланган қонунга асосан “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни кўрсатиш мумкин. Унга мувофиқ, ушбу Қонунга бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар бериш тартибига оид, қамоқда сақлаш жойларида овоз беришни тартибга солувчи, сайловчилар рўйхатини тузишга доир, сайловолди ташвиқоти, уни амалга ошириш шакллари, усуллари, турлари ҳамда муддатларини аниқ белгилайдиган, муддатидан аввал овоз бериш тартибини янада соддалаштирадиган, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш мақсадида сиёсий партиялар томонидан йиғиладиган имзо варақаларининг сонини қисқартиришга оид янги нормалар киритилди.

Мисол учун, аввалги тартибга кўра, сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизини ташкил этиши лозим эди. Эндиликда бу миқдор бир фоизгача қисқартирилди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилаётган бундай янгиликлар сайловларни адолатли, очиқ-ошкора, қонуний, халқаро нормаларга мос тарзда ўтказиш баробарида, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши билан боғлиқ сиёсий ҳуқуқларини кафолатлашга, юртимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг демократик тамойиллар асосида шакллашишига, сиёсий партияларнинг мазкур жараёнда фаол қатнашишини таъминлашга қаратилмоқда.

Юртимизда истиқлол йилларида сайлов қонунчилигини шакллантириш ҳамда тизимли ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар самарасида миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, Президентлик ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларининг қонун талаблари ва умумэътироф этилган халқаро принцип ҳамда нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базаси шаклланди.

Шуҳрат ЯКУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Сайлов кампанияси мониторинги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтказилган мониторинг натижалари жамоатчилик орасида кенг муҳокама этилди, сайлов қонунчилиги меъёрларини ҳамда халқаро стандартларни амалда қўллаш бўйича таклифлар тайёрланди. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида сайлов ҳуқуқи ва тартиб-таомиллари, уларни рўёбга чиқариш масалаларини тушунтиришга қаратилган мақола ҳамда материаллар эълон қилинди. Аҳоли ишончига, эътирофига сазовор бўлди. Институт сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш жараёнларини батафсил ва пухта ўрганиб, юртдошларимизни сайлов кампаниясининг ҳар бир босқичида тегишли талабларга риоя этилиши ҳақида хабардор қилиб борди. Институт томонидан фуқаролик кузатуви амалга оширилганлиги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 2015 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган якуний ҳисоботида ҳам эътироф этилди.

Жорий йилда институт Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнлари бўйича мониторинг юритишга сайлов кампанияси бошланиши ҳақида эълон қилинган кундан, яъни 9 сентябрдан эътиборан киришди. Шу кунларда ушбу фаолият доирасида сайлов округлари ва участкаларининг ташкил этилиши, сайлов комиссиялари тузилиши, сиёсий партиялар томонидан Президентликка номзодларни қўллаб-қувватловчи имзолар тўпланиши, номзодлар кўрсатиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ва албатта, Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари жараённинг сўнгги босқичида, яъни овоз бериш ҳамда унинг натижаларини аниқлашнинг боришини кузатиб боради.

Мониторингнинг дастлабки натижалари ва хулосаси кенг жамоатчиликка етказилади. Уларда сайлов қонунчилиги бажарилиши ҳолати ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тавсиялар баён қилинади, шунингдек, уларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва аҳолининг сайлов маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этилади.

Ушбу муҳим сиёсий тадбир муносабати билан шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида инсон ҳуқуқларини таъминлашга устувор вазифа сифатида қарайдиган мазкур халқаро ташкилот олдида, бутун инсоният учун энг асосий ҳисобланган мақсадларга эришиш борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаради. Сайловларнинг фуқаролик кузатуви мамлакатимизда замонавий пухта механизм сифатида шаклланган бўлиб, у Ўзбекистон фуқароларининг давлатни бошқариш ишларида қатнашиш, чинакам демократик сайловларда овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган амалий чора ҳамдир. Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институти ушбу муҳим жараённинг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш иродасини эркин ифода этиши кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу тамойиллар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон ўз халқаро мажбуриятларини бажариш мақсадида ЕХҲТ, МДҲ ва бошқа минтақавий ҳамда халқаро ташкилотларда фаол иштирок этиб келади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан уч босқичда, яъни 1989 йил Парижда, 1990 йил Копенгагенда ва 1991 йил Москвада ўтказилган Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияда қабул қилинган ҳужжатларда фуқароларнинг сайловлар ўтказилишини кузатиш борасидаги ҳуқуқларига оид қоидалар баён этилган. Мазкур ҳужжатлар мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган.

1990 йил 29 июнда Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген конференциясида қабул қилинган ҳужжатнинг 8-бандида ҳам хорижий, ҳам маҳаллий кузатувчиларнинг иштирок этиши сайлов жараёнининг нуфузини кўтаради. Уларга сайловни кузатишда қатнашиш истагини билдирган ҳар қандай тегишли хусусий муассаса ва ташкилот кузатувчилари таклиф этилиши белгилаб қўйилган. Бугунги кунда сайловларда мустақил ташкилотлардан холис кузатувчилар қатнашиши сайловнинг ҳаққонийлиги кафолати, сайловчиларнинг ҳокимият органларини шакллантириш жараёнидаги ҳалоллик, адолатлилик ҳамда қонунийликка бўлган ишончининг муҳим омилидир.

Маълумки, фуқаролик кузатуви, бу — янги институт. У илк маротаба Филиппин давлатида ўтган асрнинг 80-йиллари ўртасида жамоатчилик тузилмаси сифатида намоён бўлган. Ўшанда жамоатчилик сайловнинг ҳалоллигини кафолатлашга қарор қилган ва бунинг учун овоз бериш қутилари Марказий сайлов комиссиясига етказилиши устидан кузатув олиб борган. Кейинчалик мазкур жамоатчилик назорати бутун сайлов жараёнини қамраб олди. Бу каби тартиб-таомиллар Африка, Осиё, Лотин Америкаси, Европанинг бир қатор давлатларида қўлланила бошланди.

Сўнгги 20 йил ичида дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатларида миллионлаб фуқаролар қайсидир партияга мансуб бўлмаган ҳолда сайлов мониторингида иштирок этишади ва бутун жараённи кузатишади. Бундан кўзланган мақсад эса сайловларнинг ҳалоллигини, ҳар қандай таъсирдан холи бўлишини таъминлаш ҳамда шу орқали ҳукуматнинг масъулиятини кучайтириш ҳисобланади. 2012 йил 3 апрелда БМТда Жамоатчилик ташкилотлари томонидан сайловларни нопартиявий кузатиш ва мониторинг қилишнинг глобал тамойиллари декларацияси, шунингдек, Нопартиявий жамоатчилик сайлов кузатувчиларининг ахлоқ кодекси эълон қилинди. Ушбу ҳужжатлар 75 та давлатнинг 160 дан зиёд нопартиявий кузатувчи-ташкилотлари томонидан имзоланди.

Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институти мониторингни олиб боришда миллий қонунчилик меъёрлари ва халқаро стандартлар асосида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг ички кузатувчилар учун қўлланмаси ҳамда бошқа тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган услубиётга таянади. Бу эса Президент сайлови жараёни мониторинги бўйича ижтимоий буюртмани юқори савияда бажариш учун салоҳият етарли эканлигини англатади ҳамда жараённинг мустақиллиги, адолатлилиги ва холислигини таъминлашга хизмат қилади.

Салим ДОНИЁРОВ,
Азиз ЙЎЛДОШЕВ,
Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳалари раҳбарлари.

“БИЗГА ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛДИРГАНИНГИЗДАН УМРБОД МИННАТДОРМИЗ”

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“У киши биз, ўқитувчиларни алоҳида қадрлар эдилар, — дея мактуб йўллайди Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Гўзал Тошмуродова. — **Ҳамфикрларим, маслаҳатчиларим, дея бизни ўзларига яқин олардилар. Болаларга меҳр билан сабоқ бериш, уларни ширин сўз ила рағбатлантириш устозликнинг ёзилмаган қонун-қоидасидир. Шундай бўлса-да, Юртбошимиз бу борада ҳам ҳаммамизга ўрнак эдилар. “Бутун Ўзбекистон болалари — менинг фарзандларим!” деб ардоқлардилар. Қаерда, қандай тадбирда бўлмасин, навқирон авлод ҳақида оталарча ғамхўрлик билан гапирардилар. Ёшларга ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларни яратиб бериш кераклигини уқтирардилар ва амалда таълим-тарбия соҳасида жуда кўп эзгу ишларни рўёбга чиқардилар. Шу гўзал ҳаётимиз, фаровон турмушимиз ҳаққи-ҳурмати Йўлбошчимиз хотираси қалбимизда мангу яшайди”.**

“Мустақиллик халқимизнинг тарихий ғалабасидир, — деб ўз мактубини бошлайди “Нуроний” жамғармаси Когон шаҳар бўлими Кенгаши раиси Мўмин Равшанов. — **Тараққиётнинг “ўзбек модели” йигирма беш йил давомида даврнинг барча синовидан ўтиб, ўзини оқлади. Унинг шарофатидан бугун ҳар бир хонадон баҳраманд. Намунавий уй-жойлар, Бухорога келган “Афросиёб” тезюрар поезди, юзлаб мактаб, лицей-коллежлар, спорт мажмуалари, замонавий тиббиёт муассасалари, равон темир йўллар ва автомагистраллар, энг илғор технологияларга эга саноат корхоналари барпо этилишига, фермерлар, дунёнинг энг кучли тенгдошлари билан турли соҳаларда беллашиб, ғолиб чиқаётган спортчи ёшларимиз қувончига — Юртбошимизнинг эзгу амаллари асос бўлди. Метиндек матонати, сиёсий маҳорати, мустаҳкам иродаси билан халқимизни озодликка олиб чиққан, юртимизни неча бор қонли фожиалардан сақлаб қолган, халқимизни ягона ва улуғ мақсад йўлида бирлаштириб, асрий орзуларимизни ушалтирган Президентимиз хотираси авлодлардан авлодларга мангу ўтаверади”.**

Мамлакатимиздаги барча бунёдкорликлар, ободлик, маъмурликка олиб келган ислоҳотлар ташаббускори бўлган Ислом Каримовнинг миллий қадриятларимизни тиклаш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, тинчликни асраб-авайлаш, дунё аҳли ҳавас қилгулик жамият барпо этиш йўлидаги хизматлари абадиятга дахлдордир. Мустабид тузум даврида қадди букилган, ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган халқимизни ҳимоя қилиш учун энг оғир дамларда кўксини қалқон тутиб майдонга чиққан Юртбошимизнинг бемисл жасоратини тошкентлик Н. Шермуҳамедова ўз хатида қуйидагича ифодалайди: **“1988 йилда олов ичидан отилиб чиққан ёлқин каби ўша пайтда Қашқадарё вилоятининг биринчи секретари лавозимида ишлаётган Ислом Каримовнинг Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) Маданият саройида бир гуруҳ талабалар билан учрашувда: “Энди миллий кадрларни тайёрлаш даври келди, биз илгаригидек яшай олмаймиз” деб ёшларга мурожаат этиши давр нуқтаи назаридан миллий ўзликни англашнинг ёрқин ифодаси эди. 1989 йилда эса ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши, 1990 йилда Ўзбекистон Мустақиллиги Декларацияси қабул қилиниши, иттифоқ таркибидаги давлатлар ичида биринчи бўлиб Президентлик бошқарувига ўтилиши, 1991 йилнинг июнь ойида 70 йил давомида одамлар онгига эътиқодсизлик ғоялари сингдирилган мамлакатда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ҳамда 1991 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши халқимизнинг озодлигини таъминлаш йўлидаги оқилона сиёсат ва мамлакатимиз раҳбарининг буюк маънавий жасорати маҳсулидир”.**

Тошкент давлат техника университетининг бир гуруҳ ўқитувчилари — Х. Акрамов, С. Аҳророва, Ф. Примова, К. Фарифиева, И. Арипова, К. Абдираззоқова, Н. Мамадиева, Р. Тошмуродов, Д. Куанишова, Ш. Бекмуратова ўз мактубларида Биринчи Президентимизнинг таълим соҳасини ислоҳ этишдаги ташаббуслари, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида кўрсатган жонбозликлари ҳамда спортни ривожлантириш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини қадрлашга қаратилган улкан ғамхўрликларини алоҳида миннатдорлик билан тилга олишган.

“Ислом Каримов халқимизни жону дилидан севарди, — дея дил изҳорини баён этади Деҳқонобод туманида яшовчи Абдуқаюм Беккамов. — **Бахту саодатимиз ва фаровон ҳаётимиз учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр инсон эди. Ўзбекистон аҳли ҳам у кишини чин юракдан астойдил яхши кўрарди. Халқ вакиллари билан бўлган учрашувларда Юртбошимизнинг жилмайиши ҳам ўзи каби самимий ва беғубор эди. Халқимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир эзгу ишдан фахрифтихор туйғуларини туярди. Биз, деҳқонободликлар илгари туманимиз ҳудудидан поезд ўтади, бу ерда завод иш бошлайди, дейишса, асло ишонмасдик. Президентимиз ташаббуси билан орзуларимиз амалга ошиб, энди мазкур заводда юзлаб одамлар меҳнат қилмоқда, ишидан, ҳаётидан рози бўлиб умргузаронлик қилаяпти. Шундай дориламон кунлар, гуллаб-яшнаётган Ватан учун тоабад миннатдормиз”.**

Турмушимиз обод, ҳаётимиз фаровон. Бундай янгиланишларнинг омиллари кўп, албатта. Буни томорқачилик, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳақда Андижон вилояти, Андижон тумани, “Куйганёр” ҚФЙ, Улуғбек кўчасидаги 10-уйда истиқомат қилувчи Назир Матқосимов шундай фикрларни баён этади: **“Юртбошимиз томонидан халқ манфаатларини ўйлаб қилинган дастлабки эзгу ишлардан бири томорқачиликни ривожлантириш бўлди. Эътибор беринг: у кишининг ташаббуси билан 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа берилди. Бу давлатимиз раҳбарининг катта жасорати ҳамда халқимиз турмушини яхшилаш йўлида қўйилган залворли қадам эди. Бунинг самарасини бугун бозорларимиздаги файзу баракада, одамларнинг ҳаёт даражаси яхшиланиб бораётганида кўриб турибмиз.**

Кейинги йилларда иссиқхонада эртаки помидор, бодринг, тарвуз, цитрус мевалар етиштириш кўлами кенгайди. Давр одамларни тадбиркорликка ўргатди. Қолаверса, халқимизда берилган имкониятга яраша кўпроқ даромад олиш йўлида изланиш ҳисси пайдо бўлди. Бугун томорқа қишлоқ аҳолисининг даромад манбаларидан бирига айланган. Аслида гап бунда эмас. Гап одамларнинг ҳаётига ўзгариш кираётганида. Эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётганида. Барчасининг замирида Биринчи Президентимизнинг ерни ҳақиқий эгасига бериш сиёсатининг нақадар тўғри эканлиги мужассам. Шу туфайли қишлоқ одамларининг ҳаёт даражаси йил сайин яхшиланаяпти. Кимдан сўраманг, ҳаммасининг айтгани шу: Раҳмат Сизга, Ота!”

“2011 йили муборак Ҳаж зиёратини адо этиш насиб этди, — дейди Тайлоқ туманининг Навхозота қишлоғида яшовчи Ҳошимхон ота Мустафоқулов ўз мактубида. — **У ерда биз, ўзбекистонликларга бўлган юксак эҳтиромдан ҳайратландим. Ахир ҳар қадамда, ҳар бир маросимда бизга алоҳида ҳурмат кўрсатилди-да. Мезбонлар Ўзбекистон ҳақида, бу ердаги янгиланишлар, азиз авлиёлар хотирасига қаратилаётган эъзоз, айниқса, Имом Бухорий, Имом Мотуридий зиёратгоҳлари тўғрисида тўлқинланиб гапириб, бундай улуғвор ишларнинг бошида турган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовни ҳар доим дуо қилиб туришларини билдиришди. Мен бу сўзларни эшитиб, ўзбекистонлик эканлигимдан фахрланиб кетдим. Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, барча-барчамизнинг эзгу орзуларимизга эришишимиз йўлида кечаю кундуз меҳнат қилган Юртбошимиздан мингдан-минг розимиз”.**

Бу сўзлар нурафшон кунлар, мусаффо осмон бағридаги шоду хуррамликка, фарзандларини бахт бешиги аллалаб, тинч замин тупроғи улғайтираётган замонга шунчаки етиб келмаганимизни англатади. Мустақиллик аталмиш энг улуғ, энг азиз неъматга қанча таҳдидларни енгиб, унга эришиш йиллари ва йўлларида неча-неча туҳмату дашном, фитнаю зарбаларга дош берган Инсоннинг буюклигини уқтиради.

Юртдошларимизнинг аксарияти ўз мактубларида юртимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, фаровон турмушдан миннатдор эканликларини изҳор этадилар ҳамда бунда Биринчи Президентимизнинг хизматлари беқиёс эканлигини таъкидлайдилар. Жиззах вилояти, Ғаллаорол шаҳри, Ғафур Ғулом номидаги маҳаллада яшовчи Тоштемир Жуманов, Навоий вилояти “Сувоқова” давлат унитар корхонаси Хатирчи тумани филиали муҳандиси Умиджон Аҳмедов, Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Питнак қишлоғидан Олим Матчонов, Наманган шаҳри, Нуробод даҳаси, Наврўз маҳалласидан Шамсиддин Баҳриев, Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги “Тўпаланг олтин балиғи” фермер хўжалиги раҳбари М. Муҳаммадиев, Қарши шаҳри, Хонтепа маҳалласи, Бердақ кўчаси, 2-уйда яшовчи Муҳтарам Давлатова, Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулбаҳор Қосимова, Фарғона шаҳридан Ойбек Мирзаев, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими ходими Норқўчқор Ҳошимов каби юртдошларимиз юборган мактублар шулар жумласидандир. Хат муаллифлари ўзларининг бахти ҳамда саодати деб Ўзбекистонда туғилиш ва яшаш насиб этганини, оқил ҳамда доно сиёсатчи Ислом Каримов меҳри ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлишганини шукроналик билан тилга олишган.

Мана, масалан, шундай хатлардан бирида муаллиф — Наманган вилояти, Қайқи қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Садирдин Зайниддиновнинг ёзишича: **“Шукрона билан айтамизки, юртимизда тинчлик ва хотиржамлик ҳукмрон. Кўз тегмасин, шунчалик тинчмизки, тилимизда доим шукрона. “Оилам фаровон бўлсин, маҳаллам, қишлоғим ободлигига ҳисса қўшай, фарзандларим яхши ўқиб, юрт корига ярасин”, деган ниятда юрамиз эртаю кеч. Илгари кимдир водийга Қамчиқ довони орқали поезд келади, деса унга “Бор, тушингни сувга айт”, дердик. Биринчи Президентимиз эса афсоналарни ҳақиқатга айлантириб, Ангрен — Поп темир йўли орқали Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида яшовчи аҳоли учун жуда катта қулайлик тақдим этдилар. Эндиликда биз ҳам замонавий поезд орқали бемалол пойтахтга бориб-келиш имконига эга бўлдик. Бу азиз инсонни унутиш қийин. Бизга озод ва обод Ватан қолдирганингиздан умрбод миннатдормиз.**

Ўзбекистон учун оламшумул ўзгаришлар қилган, ҳар биримизга меҳру саховат кўрсатган, эзгуликларни бошлаб берган улуғ инсоннинг ёди ҳамиша қалбимизда сақланади”.

Биринчи Президентимизнинг, айниқса, ёшларга меҳру муҳаббати баланд эди. Улар билан кўришганда, мурожаат қилганда, ўзлари ҳам болалардек қувонар, яйрар эдилар. Юртбошимизнинг беадоқ меҳридан униб-ўсаётган дилбандларимиздан бири — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сон академик лицей ўқувчиси Мадина Ғайбуллаеванинг мана бу сўзлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди: **“Азиз бобожон! Биз сизни ҳеч қачон, ҳатто бир сония ҳам ёдимиздан чиқармаймиз. Сизни ишонтириб айтамизки, биз янада аҳил ва иноқ бўлиб яшаб, Сиз бошлаган ишларни давом эттирамиз, Ватанимиз байроғини халқаро майдонларга олиб чиқиб, мадҳиямизни баралла айтамиз ва энг асосийси, Сизга чин маънода муносиб фарзанд бўламиз!”**

Шунингдек, таҳририятимизга Бухоро вилоятида яшовчи ёшлар номидан мактуб йўллаган Феруза Раҳматованинг сўзлари ҳам кишини таъсирлантиради. **“Муқаддас қадамжоларда кўним топган азиз авлиёлар ҳурмати,** — дея ёзади у, — **фарзандларингиз бахту иқболи, осмонимиз мусаффолиги, бешикда мириқиб ором олаётган чақалоқларнинг нурли келажаги йўлида, озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқни ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмасликка ўргатган Сиз — миллатимиз отасидан умрбод миннатдормиз. Биз, ёшлар Сиз кўрсатган буюк келажак йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз, Сиз айтгандек, ҳамиша маррани баланд олиб, дадил қадам ташлаймиз. Чунки биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!”**

Йўлланган мактублар орасида азиз Йўлбошчимиз хотирасига бағишланган шеърлар ҳам кўп. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг турли ҳудудларида яшовчи юртдошларимизнинг шеърга кўчган кўнгил кечинмалари ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Феруз кўчаси, 6-уйда яшовчи Робия Собирова, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидан Дилфуза Баннобова, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидан Дониёр Қобилов, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Бувайда қишлоғи, Элобод кўчаси, 44-уйда яшовчи Набижон Мамадалиев, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон қишлоғидан Башира Маҳкамова, Деҳқонобод туманидан Тўлқин Амонов, Меҳринисо Саидова шулар жумласидандир. Сирдарё вилояти, Ховос туманилик меҳнат фахрийси Абдураззоқ Ўсаров шеърида шундай сатрлар бор:

...Миллат дарди билан
бир эди дарди,
Истиқлол шаънига
бахш этди кучин.
Азиз бошидаги сочлар оқарди,
Элу юрт тинчлиги, равнақи учун.

Минг шукр, озод юрт
эгаси бўлдик,
Бир юртки, замину осмони тоза.
Бу юртга лол қолди
уммонлар орти,
Осиё, Европа олди андоза.

Қарши политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Клара Отамуродова қалб туғёнларини шундай ифодалайди:

Донишмандим, оқил,
валийсифат Зот,
Енгилмас ҳам синмас,
қоядай сабот.
Сиз-ла озод Ватан,
жаннатий, обод,
Жилғалардек обиҳаёт эдингиз.

Алвидо айтмаймиз, ёнимизда Сиз,
Юрт ишқида ҳалак
жонимизда Сиз.
Ҳар лаҳза, ҳар нафас
ёдимизда Сиз,
Энг суюк, Ҳазрати Инсон эдингиз.

Қуйидаги сатрлар эса Бухоро вилояти, Жондор туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Диловар Бозорованинг шеъридан олинди:

Камтарин, камсуқум,
ҳам доно, оқил,
Саховат бобида беқиёс одил,
Ғурури тоғ қадар, меҳри уммоним,
Халқпарвар, ҳақпарвар, зукко сарбоним,
Дилимизда яшайсиз
азиз Юртбошим,
Юртим осмонида порлоқ қуёшим.

Эътибор беринг-а, мактубларнинг ҳар бирида меҳр, соғинч, миннатдорлик туйғулари жўш уриб турибди.

Чунки Истиқлолимиз Меъмори, Улуғ Йўлбошчи, доно сиёсатчининг умр йўли — Эзгулик, Тараққиёт, Тинчлик, Омонлик, Фаровонлик, Ободлик ва Озодлик йўлидир. Биз, албатта, Биринчи Президентимизнинг мунаввар орзуларини рўёбга чиқарамиз. Жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк давлат иморатини бунёд этажакмиз.

М. ЖОНИХОНОВ.

Марказий сайлов комиссиясида учрашув

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уларда ЕХҲТга аъзо давлатлар вакиллари, шу жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари иштирок этди. Мазкур тадбирлар Испания, Франция, Дания, Буюк Британия сингари мамлакатлар сайлов амалиёти билан яқиндан танишиш, шу жумладан, сайловчиларнинг ягона электрон реестрини яратиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш, шунингдек, юртимиз сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, мустақил демократик сайлов тизимини шакллантириш бўйича тажрибасини намойиш қилиш имконини берди. Шу билан бирга, қатор мамлакатларда Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигини ривожлантириш, умумэътироф этилган демократик стандартларни изчил имплементация қилиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш, сайловларни ўтказиш бўйича тажрибаси ҳақида тақдимотлар ўтказилди.

Тадбирда сайлов жараёнининг халқаро кузатуви ушбу сиёсий тадбирнинг очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда парламент ва Президент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёни юзасидан бир неча марта кузатув олиб борди. Айни пайтда ўзбекистонлик экспертлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссиялари таркибида бошқа давлатлар сайловларида кузатувчи сифатида иштирок этди.

— Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш бўйича фаол иш олиб бораяпти, — деди Жон Макгрегор журналистларга берган интервьюсида. — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан ЕХҲТ иштирокчи-мамлакатлари ўртасида сайлов кампаниясини ўтказиш бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, сайлов жараёни халқаро кузатувини амалга ошириш учун экспертлар юбориш борасида кўп йиллик конструктив ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга тайёргарлик эълон қилиниши биланоқ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистонда сайловни кузатишга таклиф қилингани диққатга сазовордир. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро экспертлари фаолияти, авваламбор, ҳуқуқий базани ҳамда Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида сайловни ўтказиш амалиётини ўрганишга қаратилади. Кузатув якунлари бўйича миссия ўз хулосасини тайёрлаб, тавсияларини беради.

Учрашувда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси шу йилнинг 11 — 14 октябрь кунлари Эҳтиёжларни баҳолаш миссиясини юборишга қарор қилгани айтиб ўтилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича тарафларни қизиқтирган масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қора рангли машқ костюмлари,денгиз тўлқини рангли енги узун кўйлаклар

ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш бўйича танлов таклифларини қабул қилиш муддати узайтирилганлигини билдиради.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан танлов таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

Маълумот учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача
қуйидаги телефон орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12. Факс: (0-371) 281-43-72.

1520R.674

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2014 йил 17 июлдаги 3549-сонли ва 2015 йил 23 мартдаги 1-2250-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғони, 2-уйда жойлашган, ер майдони 752,0 кв. м., қурилиш ости майдони 203,71 кв. м., фойдаланиш майдони 87,87 кв. м., тураржой майдони 58,80 кв. м. бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 90 330 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 24 октябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

2. Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 2016 йил 4 мартдаги 11-1509/10209-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Зафаробод» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 2507,63 кв. м.дан иборат бўлган инкубатор ва ем сақлаш омборхоналари бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 210 585 420 сўм.

3. Аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2016 йил 10 августдаги 1-332/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Думалоқ» ҚФЙ, Учбов қишлоғида жойлашган, ер майдони 0,362 гектар, қурилиш ости майдони 649,36 кв. м., фойдаланиш майдони 504,40 кв. м.дан иборат бўлган қўй қўраси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 482 600 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 8 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 24 октябрь куни ўтказиладиган савдога — 2016 йил 21 октябрь куни соат 16.00, 2016 йил 8 ноябрь куни ўтказиладиган савдога — 2016 йил 4 ноябрь куни соат 16.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй.
Телефон: (0-371) 254-69-13.

Хизматлар лицензияланган.

1508R.261

Оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги

фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан етук бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан оила, мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, фуқаролар йиғинлари ўртасида ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётир. Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш ҳамда ёшлар тарбиясига оид ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, таълим-тарбия сифатини ўрганиш, уни янада яхшилаш, ёшларнинг дарс жараёнига тўла қатнашишини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида ҳам муҳим чоралар кўрилмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ушбу ҳамкорлик доирасида маҳаллалар ҳамда таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ўрганиш, ўқувчиларнинг дарс жараёнига жалб этилиши, мунтазам қатнамайдиган ўқувчилар ота-оналари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича 75 мингга яқин тарғибот тадбирлари ўтказилди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшода Мирзажонова. — Таълим муассасаси, маҳалла фаоллари томонидан бундай ўғил-қизларнинг дарсга қатнашиши, уларнинг таълим-тарбияси ва одобини алоҳида назоратга олиш, масъулларни бириктириш, турли тўғаракларга жалб этиш ҳам доимий назоратда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг апрель — май ойларида “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги ҳудудий жамоат кенгашлари аъзолари учун ўқув-семинарлар ўтказилди. Уларда 42 мингдан ортиқ ҳудудий жамоат кенгашлари аъзолари, шу жумладан, 17 минг нафардан зиёд диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Фарзандларимизни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида камолга етказиш, уларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, мустақиллигимиз ва ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган ҳаракатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини манзилли ташкил этиш ҳамда миллий қадрият ва урф-одатларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни мавзуида маҳаллаларда 40 мингга яқин тадбирлар ўтказилди. Уларга 1 миллион 480 мингга яқин ёшлар ҳам қамраб олинди.

Айни чоғда фуқаролар йиғинлари томонидан ёшларни тўғаракларга, жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга катта эътибор қаратилаётганини айтиш зарур. Хусусан, ҳозирги вақтда маҳаллаларда 30 дан зиёд спорт тури бўйича тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган ҳамда уларга жами 1 миллион 400 мингдан ортиқ болалар қатнаяпти.

Дарҳақиқат, ёш авлод вакилларининг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол улғайишида спортнинг ўрни беқиёс. Шу сабабли “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда анъанавий “Футболимиз келажаги”, “Маҳалламиз паҳлавонлари”, “Биз — ақл-идрокли оилалармиз”, “Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи” каби спорт мусобақалари ҳар йили ўтказиб келинмоқда.

“Футболимиз келажаги” мусобақаси

Турнир баҳслари 8786 та фуқаролар йиғинида ўтказилиб, уларда 1 миллион 294 минг нафарга яқин фарзандларимиз қатнашди. Таҳлилларга кўра, жорий йилда иштирок этган ёшлар сони ўтган йилдагига нисбатан 33 минг нафарга ортган. Мусобақалар замонавий футбол майдонларида ташкил қилинди. Унинг маҳаллалараро босқичларини ўтказиш учун Фонд ҳисобидан 41,4 миллион сўм, ҳомийлар томонидан эса 171,4 миллион сўм сарфланди.

“Маҳалламиз паҳлавонлари” баҳслари

13-14 ёшдаги 46, 50, 55 кг. вазнларда ўғил болалар ва 44, 48, 52 кг. вазнларда қиз болалар ўртасидаги кураш беллашувлари 8 минг 770 та маҳаллада уюшқоқлик билан ўтказилди. Бу ўтган йилдагига қараганда 339 та кўп деганидир. Шунга мос равишда иштирокчилар сони ҳам ортди: 2015 йили 164 минг 356 нафар эди. Жорий йилда 187 минг 254 нафар ўғил-қиз қатнашди.

Бунга Фонд ҳудудий тузилмалари томонидан 6,1 миллион сўм, вазирлик ҳамда идоралар, ҳомийлар томонидан 261,1 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

“Биз — ақл-идрокли оилалармиз” беллашуви

Жорий йилда ушбу мусобақанинг маҳаллаларо босқичи 8 минг 591 фуқаролар йиғинида ўтказилди. Уларга оилаларнинг 242 минг 446 нафар аъзоси жалб қилинди. Бу 2015 йилдагига нисбатан 13 мингта кўп деганидир.

Туман (шаҳар) босқичларида 2 мингга яқин оиланинг 10 мингдан зиёд аъзолари иштирок этган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида 195 та жамоанинг 1100 дан зиёд вакиллари ўз имкониятларини синовдан ўтказди.

“Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи” турнири

Турнирнинг маҳаллаларо босқичи 8 минг 705 та фуқаролар йиғинида юқори савияда уюштирилиб, уларда оилаларнинг 282 минг нафардан ортиқ аъзолари қатнашди. Ўтган йили ушбу кўрсаткич 8 минг 369 та ва 249 минг 696 нафардан иборат эди.

Бу мақсадлар учун “Маҳалла” фонди ҳудудий бўлинмалари томонидан 5 миллион сўмдан, ҳомийлар ҳисобидан 211 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Умуман олганда, ёшларимизни ҳар жиҳатдан етук инсонлар қилиб вояга етказиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, комплекс чора-тадбирлар натижасида улар илму фанда, спортда ўзга юртлар ёшларидан асло кам эмасликларини исботлашмоқда. Зеро, ислоҳотлардан кўзланган эзгу мақсад ҳам ана шундан иборатдир.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мусиқа ва санъат ошёни

Фарғона вилоятининг Боғдод ҳамда Риштон туманларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари фойдаланишга топширилди.

БУНЁДКОРЛИК

Хусусан, Боғдод туманининг Тонготар қишлоғидаги 28-болалар мусиқа ва санъат мактаби 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, санъатсевар ўқувчилар бу ерда анъанавий ижрочилик, эстрада хонандалиги, ўзбек халқ чолғулари, зарбли ва дамли чолғулар, хор ижрочилиги, хореография, тасвирий санъат йўналишларида сабоқ олмоқда.

Риштон туманининг Уйрат қишлоғидаги янги болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам барча шарт-шароит яратилган. Ушбу даргоҳ ўқув қўлланмалари, чолғу асбоблари ҳамда замонавий ўқув ва машғулот хоналарига эга.

Шавкат ХЎЖАҚУЛОВ.

“Бизнес автобус”

Жиззахда “Бизнес автобус” тарғибот лойиҳаси татбиқ этилмоқда. “Камолот” ЁИҲ ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тарғибот гуруҳидан ёш тадбиркорлар, вилоят адлия, солиқ ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари мутасаддилари, тижорат банклари мутахассислари жой олди.

ҒАМХЎРЛИК

Улар туманлардаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ташриф буюриб, ўқувчилар билан давра суҳбатлари ўтказишди.

— Ушбу ташаббус жойларда яхши кутиб олинмоқда, — дейди “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши раиси Ориф Шукуров. — Мазкур тадбирлар орқали ўқувчилар тадбиркорликнинг амалий жиҳатларини ўрганмоқда. Жумладан, учрашувларда навқирон авлод вакилларига хусусий корхона очиш, бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредит олиш каби масалаларда йўл-йўриқ кўрсатилаяпти.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Чортоқ тумани СИБ томонидан ФИБ Янгиқўрғон туманлараро судининг 2016 йил 11 майдаги 1452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Чортоқ шаҳри, «Оромгоҳ» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 206,93 кв. м., фойдаланиш майдони 166,48 кв. м. бўлган, 6 хонадан иборат савдо дўкони бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 55 000 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Косонсой тумани СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2015 йил 21 майдаги 1-1965-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Косонсой тумани, «Ёшлик» ҚФЙ, «Боғишамол» МФЙ ҳудудида жойлашган, «Кўҳна кушон чашмаси» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 326,66 кв. м., фойдаланиш майдони 261,77 кв. м. бўлган саноат молларини сақлаш ва сотиш базаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 185 020 000 сўм.

3. Аукцион савдосига Янгиқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Янгиқўрғон туманлараро судининг 2016 йил 4 майдаги 1-1422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Зарбдор» ҚФЙ, «Тинчлик» МФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 600,00 кв. м., қурилиш ости майдони 225,77 кв. м., фойдаланиш майдони 140,65 кв. м. бўлган, намунавий лойиҳа асосида қурилган ҳовли-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 102 130 000 сўм.

4. Аукцион савдосига Янгиқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Янгиқўрғон туманлараро судининг 2016 йил 4 майдаги 1-1421-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Бирлашган» ҚФЙ, «Янги Боғистон» МФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 600,00 кв. м., қурилиш ости майдони 207,60 кв. м., фойдаланиш майдони 139,01 кв. м. бўлган, намунавий лойиҳа асосида қурилган ҳовли-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 95 620 000 сўм.

5. Аукцион савдосига Янгиқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Янгиқўрғон туманлараро судининг 2016 йил 4 майдаги 1-1487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Зарбдор» ҚФЙ, «Тинчлик» МФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 600,00 кв. м., қурилиш ости майдони 225,77 кв. м., фойдаланиш майдони 140,65 кв. м. бўлган, намунавий лойиҳа асосида қурилган ҳовли-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 102 540 000 сўм.

6. Аукцион савдосига Янгиқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Янгиқўрғон туманлараро судининг 2016 йил 4 майдаги 1-1486-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Навкент» ҚФЙ, «Ҳуррият» МФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 600,00 кв. м., қурилиш ости майдони 225,77 кв. м., фойдаланиш майдони 140,65 кв. м. бўлган, намунавий лойиҳа асосида қурилган ҳовли-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 101 350 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 4 ноябрь куни соат 18.00.

7. Аукцион савдосига Косонсой тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2014 йил 23 майдаги 16-1407/3038-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Косонсой тумани, «Ёшлик» ҚФЙ, «Гўрмирон» МФЙ, Ширин кўчаси, 75-уйда жойлашган, «Косонсой пахта толаси» АЖга тегишли, 3 хонадан иборат савдо дўкони биноси, 5 хонадан иборат ошхона биноси, қуртхона бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 247 489 816 сўм.

8. Аукцион савдосига Тўрақўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Чуст туманлараро судининг 2016 йил 13 июндаги 1-2494-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Холматов номидаги ҚФЙ, «Кумидон» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 600,00 кв. м., қурилиш ости майдони 214,80 кв. м. бўлган, коттеж типидаги тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 106 582 624 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 24 октябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 21 октябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

Манзил: Наманган шаҳри, Боборажим Машраб кўчаси, 7-уй.
Телефон: (0-369) 227-85-25. Электрон почта: best.namangan@inbox.uz
www.emulk.uz

1503R/540

«AUTO MEGA TRADE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 20 августдаги 1-189/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Autoplaza servis» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01 O 060 BA бўлган, «Nissan tiida» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 54 444 382 сўм.

II. Зангиота тумани СИБ томонидан 2016 йил 3 майдаги 10755/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўктерак матлубот инвест» МЧЖ омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

* 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Mercedes-Benz C500» русумли.
Бошланғич баҳоси — 174 008 700 сўм.

* 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «Mercedes-Benz C500» русумли.
Бошланғич баҳоси — 174 008 700 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 октябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

III. Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2016 йил 6 сентябрдаги 22026/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01 H 056 FA бўлган, «Matiz» русумли.
Бошланғич баҳоси — 22 260 000 сўм.

* 2016 йил 6 сентябрдаги 22028/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01 Z 936 LA бўлган, «Matiz» русумли.
Бошланғич баҳоси — 22 526 588 сўм.

* 2016 йил 6 сентябрдаги 22039/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01 K 681 MA бўлган, «Nissan Bluebird» русумли.
Бошланғич баҳоси — 5 455 173 сўм.

* 2016 йил 20 июлдаги 16870/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01 A 361 GA бўлган, «Matiz Best» русумли.
Бошланғич баҳоси — 22 594 880 сўм.

* 2016 йил 6 сентябрдаги 22035/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 L 082 FA бўлган, «ВАЗ-2102» русумли.
Бошланғич баҳоси — 6 489 056 сўм.

* 2016 йил 6 сентябрдаги 22035/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01 R 789 EA бўлган, «ВАЗ-21011» русумли.
Бошланғич баҳоси — 5 034 056 сўм.

IV. Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан 2013 йил 17 сентябрдаги 11-1330/9002-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Бўка тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 523 VAA бўлган, «Nexia» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 9 658 000 сўм.

V. Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан 2012 йил 10 сентябрдаги 11-1130/11276-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Акциядорлик тижорат Халқ банки Бўка тумани филиалида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 23-91 ЕД бўлган, «Claas Dominator 130» русумли комбайн қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 216 979 000 сўм.

VI. Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан 2016 йил 5 августдаги 11-1636/12119-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Бўка тумани пахта тозалаш заводи ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 AK 247 бўлган, «УАЗ-315126» русумли.
Бошланғич баҳоси — 195 650 сўм.

* 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 619 NAA бўлган, «ГАЗ-5312» русумли.
Бошланғич баҳоси — 903 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 8 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 25 октябрь куни ўтказиладиган савдога — 2016 йил 21 октябрь куни соат 16.00, 2016 йил 8 ноябрь куни ўтказиладиган савдога — 2016 йил 4 ноябрь куни соат 16.00.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Auto mega trade» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Марказий амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО: 01088, СТИР: 303877274.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-«А» уй.
Телефон: (0-371) 239-29-40.

Гувоҳнома № 009293.

1519R/577

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 040 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6